



ЎЗБЕКИСТОНДА ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ПУЛЛАР ТАКЛИФИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Исмаилов Алишер Агзамович -

Тошкент давлат иқтисодий университетининг,
и.ф.д., доцент

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a9

Аннотация. Ўзбекистон Республикасида инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш 2020 йилдан бошланди. Ушбу шароитда инфляциянинг мақсадли қўрсаткичи билан бир вақтнинг ўзида пул массасининг ўсиш суръатини назорат қилиш монетар сиёсатнинг тактик мақсади ҳисобланади. Бундай шароитда пуллар таклифини тартибга солишни такомиллаштириш йўли билан ҳам инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш, ҳам миллий валюта номинал алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш муҳим амалий аҳамият касб этади. Мақолада инфляцион таргетлаш режимига ўтиш шароитида пуллар таклифини тартибга солиш билан боғлиқ долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: пул массаси, пуллар таклифи, инфляция, девальвация, давлат бюджети дефицити, дисконт ставкаси, очиқ бозор сиёсати, валюта интервенцияси, валюта курси, кредит, фоиз ставкаси.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕНЕЖНОЙ МАССЫ В УСЛОВИЯХ ПЕРЕХОДА К РЕЖИМУ ИНФЛЯЦИОННОГО ТАРГЕТИРОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Исмаилов Алишер Агзамович -

Ташкентский государственный экономический
университет, кандидат экономических

Аннотация. С 2020 года начался постепенный переход к режиму инфляционного таргетирования в Республике Узбекистан. В этом контексте контроль темпов роста денежной массы одновременно с целевым показателем инфляции является тактической целью денежно-кредитной политики. В таких условиях за счет совершенствования регулирования денежной массы большое практическое значение имеет обеспечение низкого и стабильного уровня инфляции, обеспечение стабильности номинального курса национальной валюты. В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с регулированием денежной массы в условиях перехода к режиму инфляционного таргетирования и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: денежная масса, денежная масса, инфляция, девальвация, дефицит государственного бюджета, учетная ставка, политика открытого рынка, валютная интервенция, обменный курс, кредит, процентная ставка.

URGENT ISSUES OF REGULATION OF MONEY SUPPLY IN THE CONDITIONS OF TRANSITION TO THE INFLATION TARGETING REGIME IN UZBEKISTAN

Ismailov Alisher Agzamovich -

Tashkent State University of Economics,
Dsc., associate professor

Abstract. The gradual transition to the inflation targeting regime in the Republic of Uzbekistan began in 2020. In this context, controlling the growth rate of the money supply at the same time as the inflation target is a tactical goal of monetary policy. In such conditions, by improving the regulation of money supply, it is of great practical importance to ensure a low and stable level of inflation, and to ensure the stability of the nominal exchange rate of the national currency. In the article, current problems related to the regulation of money supply in the context of the transition to the inflation targeting regime are identified and scientific proposals aimed at solving them are developed.

Key words: money supply, money supply, inflation, devaluation, state budget deficit, discount rate, open market policy, currency intervention, exchange rate, credit, interest rate.

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида инфляциянинг йиллик даражасини 5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, давлат бюджети дефицитининг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаш каби долзарб макроиқтисодий вазифалар белгиланган [2]. Бу эса, пул массасининг ўсиш суръ-

атини паст ва барқарор даражасини таъминлаш заруратини юзага келтиради.

Айни вақтда, республикамизда ташқи савдо баланси ва давлат бюджети йирик миқдорда дефицитга эга эканлиги, инфляция даражаси икки рақамли сондан иборат эканлиги, пул массасининг ўсиш суръатлари нисбатан юқорилиги пуллар таклифини тартибга солиш масаласини долзарб эканлигидан дололат беради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Пуллар таклифини тартибга солишни такомиллаштириш ва инфляцияга қарши кураш масалалари маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ҳамда тегишли илмий хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

П.Грауд ва М.Поланнинг хулосасига кўра, инфляция даражаси паст бўлган мамлакатларда пуллар таклифининг ўсиш суръати ва инфляция ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмас, яъни корреляция коэффициенти нолга яқин. Бунинг сабаби сифатида эътироф этилдики, ривожланган молия бозорларига эга бўлган ва ҳукуматга ишонч даражаси юқори бўлган мамлакатларда паст инфляция шароитида пулнинг айланиш тезлигининг ўзгариши экзоген омиллар таъсирида юз беради. Демак, пуллар таклифи экзоген омиллар туфайли юзага келган пулларга бўлган талабнинг ўзгаришига мослашади [2].

Л. Катао ва М. Терронзанинг хулосаларига кўра, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда давлат бюджети дефицитининг қисқариш суръати билан инфляция даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд бўлиб, инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 50 фоизга яқин бўлган мамлакатларда давлат бюджети дефицитининг ЯИМдаги салмоғини 1 фоизли пунктга қисқариши инфляциянинг 8,75 фоизли пунктга пасайишига олиб келади [3].

М. Пивоварованинг фикрича, инфляциянинг унча юқори бўлмаган даражаси иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, бундай шароитда антиинфляцион сиёсатни амалга ошириш ишсизлик даражаси ошишига, иқтисодиётнинг пасайишига олиб келади [4].

ХВФ экспертларининг хулосасига кўра, ривожланган давлатларда инфляция йиллик даражасининг 3 фоиздан ошиши иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражада секинлашишига олиб келади [5].

М.Фридменнинг хулосасига кўра, пул массасининг йиллик 3-5 фоиз даражасида ошиши иқтисодиётда иқтисодий фаолликни кучайтиради. Пул таклифининг ошиши йилига 3-5 фоиздан юқори бўлса, унда инфляция кучая бошлайди, агар, иқтисодиётда пул таклифининг ошиши 3-5 фоиздан кам бўлса, ялпи миллий маҳсулот ҳажмининг ошиш суръати пасая бошлайди [6].

Ф.Мишкиннинг хулосасига кўра, пуллар таклифини тартибга солишда Марказий банкнинг очиқ бозор ва дисконт операциялари муҳим ўрин тутаяди ва бунда очиқ бозор операциялари ўзининг қуйидаги афзалликлари билан ажралиб туради:

очиқ бозор операцияларининг Марказий банк ташаббуси билан амалга оширилиши ва

унинг ҳажми Марказий банк томонидан тўлиқ назорат қилиниши;

очиқ бозордаги операцияларни аниқ миқдорга эга эканлиги ва мослашувчанлиги;

очиқ бозордаги операцияларнинг осон қайтарилувчанлик мазмунига эга эканлиги [7].

Ж.Тэйлорнинг хулосасига кўра, Марказий банк, инфляция даражасининг ўзгариши ва ишлаб чиқаришнинг реал ўсиш суръатларининг тебранишига жавоб реакцияси сифатида номинал фоиз ставкаларини ўзгартириш имкониятига эга, яъни Марказий банк иқтисодиётдаги циклик тебранишларни минималлаштириш имконига эга [8].

Бироқ, айрим иқтисодчи олимларнинг фикрича, Тэйлорнинг мазкур хулосаси мунозарали бўлиб, инфляциянинг Гэп (инглизча *gap* сўзи бўлиб, *фарқ деган маънони англатади*) кўрсаткичлари ва ЯИМ муҳим монетар кўрсаткичлари (пул агрегатлари, кредит мультипликатори, валюта курси, бюджет дефицити) тўлиқ акс эттира олмаслиги мумкин [9].

Р.Миллер и Д.Ван-Хузнинг хулосасига кўра, АҚШ ФЭТ томонидан XX асрнинг 90-йилларида монетар сиёсатнинг индикатори сифатида М1 пул агрегатидан фойдаланилганлиги муомаладаги нақд пул миқдорининг кўпайганлиги билан изоҳланади: “АҚШда нақд пулларнинг пул сифатида ва М1 пул агрегатининг компоненти сифатидаги аҳамияти ошди. Масалан, 1973 йилда АҚШда одам бошига 325 доллар миқдоридан нақд пул тўғри келган бўлса, 1993 йилга келиб бу кўрсаткич 1050 долларга етди. Нақд пулларнинг М1 пул агрегатидан салмоғи 1960 йилнинг охиридаги 20,5 фоиздан 1992 йилнинг сўнггида 30 фоиздан юқори даражага етди” [10].

Т.Бобакулов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан пул-кредит сиёсатининг кўрсаткичи сифатида М2 пул агрегати танланиши керак, деган хулосага келади ва мазкур хулосаси қуйидаги далилларга таянади:

пул массасининг ошиш кўрсаткичидан пул-кредит сиёсатининг кўрсаткичи сифатида фойдаланиш учун ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги;

республикамизда нақд пул муомаласи билан иқтисодий фаоллик ўртасида бевосита алоқадорлик мавжудлиги;

Марказий банкнинг пул базаси орқали муомаладаги пул массасига бевосита таъсир этиш имкониятига эга эканлиги;

инфляцияни шакллантирувчи омиллар таркибида номонетар характердаги омиллар салмоғининг етакчи эканлиги, базавий инфляция кўрсаткичининг инфляцион таргетлаш жараёнида қўлланилмаётганлиги [11].

У.Абдуллаевнинг хулосасига кўра, М.Фридменнинг муомаладаги пул массасини

жиловлашга қаратилган рестрикцион монетар сиёсатни амалга ошириш хусусидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тинчликни модернизациялаш шароитида қўллашни мақсадга мувофиқ эмаслиги республикамизда монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини паст эканлиги, республикамизда тижорат банклари кредит эмиссияси даражасининг паст эканлиги каби омилларнинг мавжудлиги билан изоҳланади [12].

Таҳлил ва натижалар. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, биринчидан, Марказий банк фаолиятининг стратегик мақсадларидан бири бўлиб, инфляцияга қарши курашиш ҳисобланади, иккинчидан, Марказий банк инфляциянинг мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб, бир ёки бир нечта пул-кредит кўрсаткичлари ўзгаришининг мақсадли мўлжалларини белгилайди [13].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йил 1 январдан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш вазифаси юкланди. 2021 йилда инфляция бўйича белгиланган мақсади кўрсаткичга эришилди, яъни инфляциянинг йиллик даражаси 9,98 фоизни ташкил этди. Аммо 2022 йилда инфляция бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичга эришилмади. Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларида 2022 йил учун инфляциянинг йиллик даражасини 8-9 % даражасида бўлиши прогноз қилинган эди [14]. Бироқ 2022 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 12,3 фоизни ташкил этди.

2022 йилда республикамизда инфляция бўйича мақсадли кўрсаткичга эришилмаганлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Асосий озиқ-овқат ва импорт товарлари нархларининг юқори даражада ошиши базавий инфляция даражасининг кескин ошишига олиб келди. 2022 йилда базавий инфляция даражаси 13,8 фоизни ташкил этди.

2. Иқтисодий тинчликда юқори инфляцион жараёнлар, ёқилғи-энергия ресурслари, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва импорт хомашёси нархлари ошиши 2022 йилда инфляцион кутилмаларнинг салбий бўлишига олиб келди.

3. Пул массасининг ўсиш суръатини юқори бўлди. 2022 йилда пул массасининг йиллик ўсиш суръати республикамизда 30,2 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларида асосий пул-кредит операцияларини аукционлардан тўлиқ қопланган ўзгармас ставкали (“fixed rate full allotment”) операцияларга ўтказиш режалаштирилган бўлиб, бунда жорий депозит аукционлари ўрнига чекланмаган ҳажмда амалга ошириладиган муддати 14 кунгача бўлган депозит операцияларига ўтилиши пул бозоридаги фоиз ставкаларининг асосий ставкага нисбатан тебранувчанлиги пасайишига, асосий ставка таъсирининг ва трансмиссион механизм самарадорлиги ошишига хизмат қилади, деган хулоса қилинган [15].

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида 2018-2021 йилларда пул массасининг йиллик ўсиш суръати нисбатан юқори бўлган. Бу эса, пуллар таклифини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш борасида муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатади. Айниқса, 2021 йилда пул массасининг ўсиш суръати жуда юқори бўлган.

2020 ва 2021 йилларда инфляциянинг йиллик даражасини пасайганлиги Марказий банкка қайта молялаш ставкасини пасайтириш имконини берган. Аммо, тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси юқори даражада қолган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий монетар кўрсаткичлар ҳолати [16]

фоизда

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
М2 пул агрегатининг йиллик ўсиш суръати	13,3	13,8	17,8	30,3
Инфляциянинг йиллик даражаси	14,3	15,1	11,1	10,0
Марказий банк қайта молялаш ставкасининг йиллик даражаси	16,0	16,0	14,0	14,0
Тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси	20,5	24,2	22,3	20,8

Эътироф этиш жоизки, пуллар таклифига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ташқи савдо балансининг дефицити ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси, млрд. АҚШ доллари [17]

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Экспорт	12,6	14,0	17,9	16,7	19,3
Импорт	14,0	19,4	24,3	25,5	30,7
Ташқи савдо балансининг салбий сальдоси	- 1,4	- 5,4	- 6,4	- 8,8	- 11,4

Жадвал маълумотларидан кўринадик, республикада экспорт ва импортнинг ҳажми 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, мамлакатнинг ташқи савдо балансининг салбий сальдоси миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, миллий валютанинг девальвация суръати юқори эканлиги ва хорижий валюталарга талабнинг хорижий валюталар таклифидан юқори эканлиги пуллар таклифи ошишига олиб келмоқда.

2022 йилда мамлакатимизнинг ички валюта бозорига хорижий валютадаги умумий таклиф ҳажми (Марказий банк интервенцияларини ҳисобга олмаганда) 32,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилгани ҳолда, хорижи валютасига талаб 36,6 АҚШ долларини ташкил этди. Хорижий валютага талаб юқори бўлганлиги сабабли Марказий банкда 2022 йил давомида 4,1 млрд. АҚШ долл. ҳажмдаги валюта интервенциясини амалга оширишга мажбур бўлинди [18].

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот жараёнида куйидаги хулосаларни шакллантирдик:

республикада 2018-2021 йилларда пул массасининг йиллик ўсиш суръати нисбатан юқори бўлганлиги пуллар таклифини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш борасида муаммолар мавжудлигини кўрсатади;

2020 ва 2021 йилларда инфляциянинг йиллик даражасини пасайганлиги мамлакат Марказий банкига қайта молиялаш ставкасини пасайтириш имконини берган, лекин тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси юқори даражада қолган;

республикада экспорт ва импортнинг ҳажми 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган;

мамлакатнинг ташқи савдо балансининг салбий сальдосининг миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Фикримизча, инфляцион таргетлаш режимида ўтиш шароитида пуллар таклифини тар-

тибга солишни такомиллаштириш мақсадида куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Инфляцион таргетлаш режимини мувафақиятли қўллаш учун, биринчидан, табиий монополиялар маҳсулот ва хизматлари баҳосининг паст ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш лозим; иккинчидан, давлат бюджети дефицитини миллий валютада ёзилган давлат қимматли қоғозларини сотиш ҳисобидан қоплаш йўли билан дефицитнинг инфляцияга таъсирини нейтраллаштириш керак; учинчидан, инфляцияни ҳамкор мамлакатлардан импорт қилинишига йўл қўймаслик лозим.

2. М2 пул агрегатининг таркибида М0 пул агрегатининг салмоғини юқори эканлигини ва тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларнинг салмоғини юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, назорат объекти сифатида М2 пул агрегатидан воз кечиш ва М1 пул агрегатини назорат объекти қилиб олиш лозим.

2022 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида М2 пул агрегатининг таркибида М0 пул агрегатининг салмоғи 30,2 фоизни, тижорат банкларининг брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларнинг салмоғи 42,3 фоизни ташкил этди [19].

3. Тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозитларини активларга трансформация жараёнини кучайтириш ва талаб қилиб олинган депозитларнинг хорижий валютага талабга таъсирини камайтириш мақсадида, биринчидан, тижорат банкларининг миллий валютадаги муддатли ва жамғарма депозитларини мажбурий захира талабномасидан озод қилиш керак; иккинчидан, миллий валютадаги талаб қилиб олинган депозитларга нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларини камида икки баробарга ошириш лозим.

Ҳозирги кунда республикада тижорат банкларининг миллий валютадаги депозитларига нисбатан энг паст мажбурий захира ставкаси (4%) ўрнатилган. Уларнинг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан энг юқори захира ставкаси (14%) белгиланган. Ҳолбуки, хорижий валюталарга талабга таъсирнинг асосий

қисми талаб қилиб олингунча депозитлардан юзага келади.

Хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма депозитларини мажбурий захира талабларидан озод қилиш, биринчидан, тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозитларга тўланадиган фоизлар ставкаларини оши-

риш имкониятини юзага келтиради. Бунинг натижасида хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозитлар камайиб, муддатли ва жамғарма депозитларининг миқдори кўпаяди. Иккинчидан, тижорат банкларининг валютавий ликвидлилик даражаси ошади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Graude P., Polan M. Is Inflation Always and Everywhere a Monetary Phenomenon? Discussion Paper. №2841 CEPR. 2001. June. – P. 26-29.
3. Catao L., Terrones M. Fiscal Deficits and Inflation // Working Paper. 65. IMF. – P. 63 - 67.
4. Пивоварова М.А. Международная научно-практическая конференция на тему: «Инфляция и экономический рост: теория и практика»././Деньги и кредит. – Москва, 2006. - №7. – С. 60.
5. Khan M. Senhadji. Thershold Effects in the Relatioinshop between Inflation and Growth // IMF Staff Papers. 2001. Vol. 48. - P.1-21.
6. Фридмен М. Если бы заговорили деньги. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2001.- С. 63.
7. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 485.
8. Taylor, J. The Robustness and Efficiency of Monetary Policy Rules as Guidelines for Interest Rate Setting by European Central Bank//Journal of Monetary Economics. Vol. 43. Issues, 1993. – P. 655-679.
9. Devereux M.B., Engel C. Monetary Policy in the Open Economy Revisited: Praice Setting and Exchange Rate Flexibility//NBER Working Paper, 2000. – № 7665.– P. 765-783.; Esanov, A., Merkl, C., Souza, L.V. Monetary policy rules for Russia. Journal of Comparative Economics 33 – Helsinki: BOFIT, 2004. – 59 p.
10. Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – М.: Инфра- М, 2000.- 856 с.
11. Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. авторефер. – Тошкент, 2008. –27 б.
12. Абдуллаев У.А. Марказий банкнинг монетар сиёсати ва унинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. –14 б.
13. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 03/19/582/4014-сон. 12.11.2019 й.
14. Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари//www.cbu.uz
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари//www.cbu.uz
16. Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.
17. Ташқи иқтисодий фаолият//www.stat.uz
18. Ички валюта бозори шарҳи//www.cbu.uz
19. Пул агрегатлари//www.cbu.uz